

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

(Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)

Худоёрова Сафура Тўлқин қизи

СамДЧТИ докторанти

Мирзакамолова Садокат Сайидахмадовна

НДПИ уқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликларнинг стилистик имкониятлари, хусусан узуал услубий ўзига хосликлари тадқиқига бағишланади.

Калит сўзлар: услубий вазифа, фразеологик бирлик, образли, экспрессив, эмоционал.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению стилистических особенностей фразеологизмов английского и узбекского языков, в частности их узуальных стилистических особенностей.

Ключевые слова: стилистическая задача, фразеологическая единица, образный, экспрессивный, эмоциональный.

ФБларнинг прагматик функцияси “адресатга мақсадли таъсир этиш” [3,114] дан бошланади. Бу ўз-ўзидан ФБларнинг стилистик-услубий хусусиятлари билан боғлиқ. Г.Э. Ҳакимова фикрларига кўра: “ФБлар образлиликни, экспрессивлик ва эмоционалликни юзага келтирувчи муҳим воситалар бўлиб, улар бадиий публицистик матнларнинг ифодавий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Фразеологик бирликлар ихчам шаклга эга бўлиб, маъно жиҳатидан салмоқдор ва таъсирчандир” [4,2]. Таниқли ўзбек фразеологи Б.Йўлдошев ўзининг “Фразеологик услубият асослари” номли ўқув қўлланмасида фраземаларнинг услубий маънолари, услубий тармоқланиши, узуал ва окказионал услубий вазифалари ҳақида қимматли фикрлар билдириб, ўзбек фразеологиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Олим ФБларнинг услубий функциялари тўғрисида сўз юритиб, иборанинг ички табиатидан келиб чиқувчи “табиий” функцияларини узуал, у ёки бу сўз санъаткорининг эстетик мақсади, хоҳиш иродаси, тилдаги новаторлиги билан алоқадор индивидиал характерга эгаларини окказионал услубий функциялари деб атади. Тилшунос ўзбек фразеологиясида биринчилардан бўлиб ФБларнинг услубий вазифаларини тизимли равишда ўрганган ¹. Инглиз фразеологиясининг стилистик хусусиятлари ва дискурсдаги стилистик имкониятлари А.Р Кови, А. Насистионе ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. А.Насистионе ўзининг “Stylistic Use of Phraseological Units in Discourse” асарида инглиз тилидаги ФБларнинг дискурсда қўлланилиши тадқиқ этган. Олима ФБларнинг тилдаги ва нутқдаги

¹ Бу ҳақда яна қаранг Б.Йўлдошев. Фразеологик услубият асослари. Ўқувқўлланма. - Самарқанд: СамДУнашри. 1998. – Б 80-107.

қўлланилиш шакллари ҳақида фикр юритиб, бунда асосан уч терминдан фойдаланади: 'base form' – ФБларнинг луғатдаги шакли, 'core use' – одатий қўлланилиши ва 'instantial stylistic use' – стилистик мақсадларда ноодатий қўлланилиши.

Инглиз ва ўзбек тилларида тарихий шахс ва воқеаларга асolanган бадиий асарларда (historical fiction) қўлланган ФБларнинг узул услубий хусусиятларини Б.Йўлдошев таснифига асосан қуйидагича таҳлил этамиз.

1. Номинатив вазифа. III. Раҳматуллаев ибораларни номловчи ва ифодаловчи ибораларга бўлган. Кўп ҳолларда бундай иборалар узок вақт қўллангани сабаб тасвирийлик ва образлилик бирмунча камайиб, номлаш хусусияти устунлик қилади.

Яшаш учун кураш бораётган бўлса, одамни куч билан енголмаган одамлар ҳийла билан енгадилар: бу жуда табиий нарса. Айниқса хотинни қулдан баттар хўрловчи муҳитда хотин чор-ночор ҳийланинг устози бўлади (Чўлпон Кеча ва кундуз ,232 б)

Инглиз тилида ҳам бир қанча ибораларда номинативлик кучайиб, ҳатто ибора ўзи ифодалаган нарса ёки ҳодисанинг бошқача номига айланиб кетган.

“Fudge, fudge,” said Walker. “I’ve run this island for twenty years without

red tape, and I don’t want it now.”

“Does it make it any easier for you that when you want a letter you have to hunt half an hour for it?” answered Mackintosh. (S.M Maugham, Collected short stories, 146p) Red tape ибораси ‘ортиқча қоғозбозлик’, ‘бюрократия’ деган маъноларни билдириб, XVII асрларда қоғозлар ва расмий ҳужжатларни қизил тасма билан боғлаш амалиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Бугунги кунда ушбу иборани этимологик изоҳларсиз ‘бюрократия’ сўзининг айнан синоними сифатида қўлланади. Юқоридаги матнда у экрессивлик, образлилик учун эмас балки шунчаки номлаш учун қўлланган.

2. Нутқни ихчамлаштириш вазифаси. Ибораларнинг аксарият қисми нутқда бир қанча сўзлар, жумлалар билан ифодаланганда ҳам эришиб бўлмайдиган лўндалик ва ихчамликни биргина ибора билан ёритиш имконини беради.

- Маликул шароб, - деди Пири Букрий шивирлаб. – Бояги икки сайёҳнинг бири ғавғо кўтариб, тўполон қиладур.

- Тўполон қилса, тўрт томони қибла! Не деб тўполон қилади.

- Жой сўрайдир, шохона жой! (Кўҳна дунё, 10)

Тўрт томони қибла ибораси орқали бир персонажнинг ҳатти-ҳаракатига бошқа бир персонажнинг қаерга борса бораверсин, билганини қилсин, менга аҳамияти йўқ қабилидаги салбий жавоби биргина ибора ёрдамида ихчам шу билан биргаликда образли-эмоционал ифодаланган.

3. Образли ифодалаш вазифаси. ФБларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлган ушбу функция ибораларнинг маълум ҳолат, шахс-предметни, хусусиятни кўз олдимизда гавдалантира олиши билан боғлиқдир. Инглиз ва ўзбек тилларида маълум тарихий шахс, воқеа-ҳодисаларга бағишланган бадиий асарларда қўлланган ФБлар ўша давр турмуш

тарзи, бошдан кечирган қийинчиликларига боғлиқ образлиликка асолангани билан ажралиб туради. Тарихий романларда бундай ФБларнинг аксарияти эскирган.

Ўшанда, сўнгги марта келганида, устод, худди бесабаб қамчи эган асов тулпордай бетоқат едилар. Соч-соқоллари тўзғиган, юзлари бўғриққан...(О. Ёқубов “Кўҳна дунё” 7 б.) ушбу компаратив ФБ эркин бирикманинг фразеологизациялашуви орқали шаклланган бўлиб, асарда бир персонажнинг бошқа бир персонажни образли тасвирлашига хизмат қилган.

Инглиз тилида ҳам тарихий асарларда қўлланган ФБлардаги образлилик давр руҳини акс эттиришга қаратилган ва ўзбек тилида ҳам баъзан ушбу ибораларнинг эквивалентлари мавжуд.

The Pirate-Colonel replied, in a courageous voice, “By rapine!” But his Bride retorted, suppose the grown-up people wouldn’t be rapined? Then, said the Colonel, they should pay the penalty in blood. But suppose they should object, retorted his bride, and wouldn’t pay the penalty in blood or anything else? (Ch.Dickens, The trial of William Tinkling, 6)

To pay penalty in blood ибораси ўзбек тилидаги гуноҳини қони билан ювмоқ иборасига тўғри келади. Ўзбек тилида ҳам ушбу ФБ воқеликни образли ифодалашга ҳисса қўшган: Шунда бу одам ҳам, Бўрибоевни айтаман, мардонавор бир иш қилади. Агар мен Фазилятхонга муҳаббат қўйиб гуноҳ қилган бўлсам, гуноҳимни қоним билан юваман, деб илтимос қилади. (О.Ёқубов Диёнат, 10 б)

4. Баҳолаш вазифаси. ФБлар бадий асарларда маълум шахс, нарсა-буюм, воқеа-ҳодисага ижобий ёки салбий баҳо бериш вазифасини бажаради.

Ибораларнинг турли структурал типлари учун бирор предмет ёки воқеа-ҳодисани номлаш билан бирга уларга салбий ёки ижобий баҳо бериш функцияси ҳам характерлидир [5,5].

Кечагина қонлиқ қиличини фуқаро устидан юрғизиш турган Азизбекка унинг тиғи зулми билан қора қониға беланган ўғлининг, отасининг, оғасининг мазлум гавдаси тупроқ остига ҳали чириб битмай туриб бу кун халқ яна Азизбекка, ўша қонхўрга, ўз қони билан ямин этди. (А. Қодирий Ўтган Кунлар,)

Ушбу парчадаги ФБлар сўзловчининг ўзи тасвирлаётган шахс ва воқеа-ҳодисаларга салбий баҳоси бир қанча ФБларнинг бир нутқда кетма-кет қўлланилиши орқали жуда таъсирли етказиб берилган.

Бундан ташқари ўзбек тилидаги бадий асарларда бир қанча содда гап қолипидаги ФБлар муаллиф ёки персонажнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатини ифодалашга кўмаклашади. Бошини кўкка етказмоқ жон ато қилмоқ, жонига оро кирмоқ каби ФБ ларда ижобий баҳо,бошига қора кунларни солмоқ, чоҳ қазимоқ, қора булутлар қуюқлашмоқ, қон ютмоқ каби ФБларда эса салбий баҳо сезилади.

5. Эмоционал функция. ФБларда сўзловчининг турли эмоционал ҳолатлари: ғазаби, нафрати, шодлиги, кинояси акс этади. Бунда ФБларнинг коммуникатив жараёнда фаоллашуви ҳамда сўзловчилар ўртасидаги ўзаро муносабат, характери, ички кечинмаларини, кайфиятини кўрсатиб беришга хизмат қилади.

- Хўжайин, сизни газетга урибдилар! Мана кўринг!

“Салом” йўқ,“алик” йўқ, икки ғилдиракли аравасидан тушар-тушмас, қўлидаги газетни мингбошига узатиб, кулар юз билан шу сўзларни айтган Мирёқуб мингбошининг кўзига итдан ҳам хунук кўриниб кетган еди.

- Тур-е афтинг қурсин сенинг!... Газетинг бошингни есин!...(Чўлпон Кеча ва Кундуз, 84)

Шунингдек ўзбек тилидаги тарихий асарларда ундов иборалар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради: Тангрим ўз паноҳида асрасин!, Илоҳо Рустамдай ўғил кўринг!, Оллоҳ сиздан рози бўлғай! каби иборалар яхши ният, дуо маъносини билдирса, Муродингга етмагин! Бўйнинг тагингда қолсин! каби ФБлар эса қарғишни билдиради.

Инглиз тилида иборалар эмотционалликни ёрқин ифодалай олиш хусусияти билан ажралиб туради.

She thought so too. At least there she would have freedom of action. Without a word, she clambered over the copra sacks. He offered her his hand.

“I don’t want your help,” she said coldly.

“You can go to hell,” he answered. (S.M. Maugham, The Vessel of Wrath)

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, дастлаб илиқ бошланган суҳбат суҳбатдошлардан бири рад жавобини олгач, тўсатдан кайфияти бузилиб, жаҳли чиққани go to hell ‘жаҳаннамга равона бўл’ ибораси орқали ортиқча изоҳларсиз (жест, мимика ва бошқа новербал тасвирларсиз) ифодаланган.

6.Экспрессив функция. Тилшунос Б.Йўлдошев ФБларнинг экспрессивлиги тилшуносликда аниқ таърифга эга эмаслиги, шу сабабли кўпинча эмотционаллик билан алмаштирилиши, синоним сифатида қўлланилишини таъкидлаган ҳамда экспрессивликнинг фонетик, грамматик, лексик ўзгаришлар, шунингдек антитеза, гипербола, литота ва сўз ўйинлари орқали ҳам ҳосил қилинишини мисоллар билан тушунтириб берган [2,94-95]. А. Абдуллаев ФБларнинг экспрессивлиги хусусида шундай фикр юритади: “ Фразеологизмлар номитатив ва қўшимча оттенкаларнинг ажралмас бирлигидан иборат бўлган махсус нутқий фигуралардир. Уларнинг кўпчилиги нутқда маълум стилистик мақсадлар, айниқса, экспрессивлик учун хизмат қилади” [1,36]. Демак, экспрессивлик ФБларнинг маъносини, эмотционалиги, ифодалилиги ва кўзланган таъсирини кучайтириш мақсадида маълум вазиятларда турли воситалар орқали эришиладиган услубий вазифадир.

Ўзбек бадиий асарларида экспрессивлик кўп қиррали бўлиб, бир қанча воситалар асосига қурилганига гувоҳ бўлдик. Масалан, қофия асосига:

Тоҳир шеърдан таъсирланиб:

-Рост, ҳозирги кунларимизда сафо қолмади, амирзодам! – деди. – Лекин ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Шукр, ҳали танда жон, белда шамширимиз бор!

Бобур ўйланиб турди-ю:

-Энди сўнги илинж ёғий илкига тирик тушмаслик! – деди.(П.Қодиров Юлдузли Тунлар,207)

Иборалар экспрессивлиги инглиз бадиий асарларида ҳам турличалигини кузатишимиз мумкин.

“I’ve made an awful hash of things. That’s obvious, isn’t it? I’m right down at the bottom of the pit and there’s no getting out for me. ‘Black as the pit from pole to pole.’ (S.M Maugham, the Pool)

Келтирилган парчада сўзловчи дастлаб ўз ҳолатини ифодалаш учун ибора таркибидаги ‘pit’ сўз асосига қурилган ‘I’m right down at the bottom of the pit’ (Мен ҳозир чуқур тубидаман) метафорик ўхшатишни айтади. Бундан ташқари, black as the pit from pole to pole икки иборанинг яъни, black as the pit – ‘ўта қоронғу’ ва from pole to pole – ‘бошидан

охиригача' ибораларини бирлаштириш орқали ҳосил қилиниб, маънони кучайтириш ва экспрессивликни оширишга хизмат қилган. Бундан ташқари, иборада **pit**, **pole**, **pole** яъни аллитерация асосига қурилиб, оҳангдошлик ҳосил қилган. Демак, инлиза тилида фразеологизмлар экспрессивлиги мураккаб тузилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликларнинг тарихий-бадий матнларда қўлланилишида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар айнан нутқ жараёнида намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев А. Фразеологизмларнинг экспрессивлик хусусияти // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 5-сон
2. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. Ўқув қўлланма. - Самарқанд: СамДУ нашри. 1998.
3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. М., 1996.
4. Хакимова Г.Э. Фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик аспекти. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2018.
5. Шорабаева Н.К. Оценочная функция фразеологических единиц в современном немецком языке. АКД. –М. 1984.